

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2022 йил 3 сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.д. Н.Абдурахмонов.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: –ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятгов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, п.ф.д., проф Ў.Асқарова, п.ф.н., доц. М.Нишонов, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррир: Н.Юсупов

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳнома хамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида халқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.03.2022 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (**Баённома № 3**). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.



июндаги ПҚ-3808-сон. Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.06.2018 й., 07/18/3808/1410-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустақамлаш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.06.2018 й., 07/18/3808/1410-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон

8. Беляева М.А. Репродуктивное поведение человека. Изд. 2 ЛЕНАНД 2012.

ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВРИДА КРЕАТИВЛИК ЗАРУРИЯТИ

Гулчехра Гаффарова,

Чирчиқ давлат педагогика институти профессори, фалсафа фанлари доктори,
gafforovagulchehra3@gmail.com

Гулбахор Жалалова, фалсафа доктори (PhD), ЎЗМУ

Аннотация. Креативлик инсоннинг ахборотларни қайта ишлаш асосида янги инновацион натижалар олиш жараёнидир. Креативликнинг намоён бўлишида инсондаги дивергент тафаккур муҳим аҳамият касб этади. Дивергент тафаккур муаммони ҳал қилиш давомида ночизиқли фикрлашнинг мавжудлиги бўлиб, инсон муаммонинг бир қанча тўғри ечими борлигини кўра олади. Креативликнинг юқори ва оддий даражалари мавжуд. Юқори даражадаги креативлик янги тамойил, йўналиш, гоёларни яратишда намоён бўлади. Оддий креативлик эса турли маҳсулотлар, гоёларни янада такомиллаштириш, фаолият алгоритмларини янада самарадор қилишда ва бошқа кундалик ҳаётнинг турли жабҳаларида намоён бўлади. Креативлик яхлит тизим бўлиб, шахс-жараён-натижани ўз ичига олади.

Калит сўзлар: трансформация, “рақамлашган иқтисод”, “креатив иқтисод”, креативлик, дивергент тафаккур, конвергент тафаккур, инсон капитали, ночизиқлилик, ўз ўзини ташкил этиш, тизим, муракаб тизим, синергетика.

НЕОБХОДИМОСТЬ ТВОРЧЕСТВА ПРИ РАЗВИТИИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

Гульчехра Гаффарова,

Чирчиқский государственный педагогический институт, профессор, доктор
философских наук, gafforovagulchehra3@gmail.com

Гулбахор Джалалова,

доктор философских наук (PhD), Национальный университет Узбекистана

Аннотация. Креативность – это способность личности к творчеству и созиданию, которая проявляется в мышлении, эмоциях, общении, в различных сферах деятельности, в результатах деятельности и при создании этих результатов. Простыми словами, креативность – это быстрое и необычное решение проблемы. К проблеме креативности сегодня существуют такие подходы как эпистемологический, когнитивный, экономический, психологический, синергетический, коннективистический, теория динамики, искусственный интеллект. Автор выдвигает идею о том, что креативность является целостной сложной



системой и что синергетический подход играет конструктивную роль при её изучении. Также демонстрируются высокие и обычные степени креативности. Высокая степень креативности проявляется в создании новых принципов, направлений и идей. А обычная креативность проявляется в усовершенствовании различных продуктов и идей, в повышении эффективности алгоритмов деятельности и в других сферах жизни.

Ключевые слова: трансформация, “цифровая экономика”, “креативная экономика”, креативность, мышление, дивергентное мышление, человеческий капитал, нелинейность, самоорганизация, система, сложная система, синергетика.

THE NEED FOR CREATIVITY DURING HUMAN CAPITAL DEVELOPMENT

Gulchehra Gaffarova

Chirchik State Pedagogical Institute Department of Social Sciences, Professor

gafforovagulchehra3@gmail.com

Gulbahor Jalalova,

Doctor of Philosophy (PhD), National University of Uzbekistan

Annotation. Creativity is the ability of a person to be creative, which manifests itself in thinking, emotions, communication, in various fields of activity, in the results of activities and in the creation of these results. In simple terms, creativity is a quick and unusual solution to a problem. Today there are approaches to the problem of creativity such as epistemological, cognitive, economic, psychological, synergetic, connectivistic, theory of dynamics, and artificial intelligence. The author puts forward the idea that creativity is a holistic complex system and that the synergetic approach plays a constructive role in its study. There are high and normal degrees of creativity. A high degree of creativity is manifested in the creation of new principles, directions and ideas. An ordinary creativity is manifested in the improvement of various products and ideas, in increasing the efficiency of activity algorithms and in other areas of life.

Keywords: transformation, “digital economy”, “creative economy”, creativity, thinking, divergent thinking, human capital, nonlinearity, self-organization, system, complex system, synergetics

КИРИШ

Бугунги жамият ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётган даврда яшамокдамиз. Бу даврда инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни янада ривожлантириш талаб этилади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармони имзоланди [1].

Унга кўра, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси ва Ўзбекистонни 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш – Стратегиянинг бош мақсади этиб белгиланган. Фармонда белгиланган вазифаларни амалга оширишда таъкидлаш лозимки, инсон капитали муҳим аҳамият касб этади. Бугунжаҳон Банки ва БМТ нинг Ривожланиш Дастури маълумотларига асосан бугунги

кунда дунё бўйича умумий бойликнинг 16% моддий, 20% ни табиий, 64% ни эса инсон капиталли ташкил этади. Ривожланган давлатларда инсон капиталининг 80% га қадар ўсганлиги эътироф этилади [2, 3].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.

Инсон капиталлини ёшларимизда янада ривожлантиришда улардаги креативлик муҳим аҳмият касб этади. Инсон креативлигига эътиборнинг тобора ортиб, ижтимоий аҳамият касб этаётганлиги ижтимоий тараққиёт хусусиятлари билан боғлиқдир. Буни нималарда кўриш мумкин? Яъни замонавий ривожланиш моделларида кўрсатилишича, инсоният эндиликда билим ва ахборот, инсон тафаккури асосий капитал бўлиб бораётган “когнитив жамият” ёки “креатив иқтисодга” [4, 32-33] қадам қўймоқда. Илмий муомалага “креатив иқтисод” атамасини 2000 йилда «Business Week» журнали томонидан киритилган. 2001 йилда Дж.Хокинс, Ч.Лэндри, Т.Коуэн, С.Лэш, Р.Кэйвс, Т.Флю, Дж. Хартфилд, Дж. Оконор, П. Рэй, Л.Накамур, К.Зельтцер, Н.А.Горелов ва бошқа олимлар ҳам мазкур мавзунини турли томонларини тадқиқ этмоқдалар.

Мақолани тайёрлашда тарихийлик, танқидийлик, тизимли методлардан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

1970 йилдан буён ҳар йили бу мавзу доирасида 250 тагача диссертациялар тақдим этилиб турли таърифлар берилмоқда. Бугунги кунда энг креатив мамлакат сифатида Буюк Британия, АҚШ ва Германия эътироф этилмоқда. Маълумотларга кўра Германияда креатив синф 1 млн кишини ташкил этади [5].

Креативлик шахсининг тафаккури, ҳиссиётлари, мулоқотида, турли фаолият соҳаларида, фаолият натижалари ва мазкур натижаларни яратишда намоён бўлувчи ижод, янгилик яратишга бўлган қобилиятидир. Оддий сўз билан айтганда креативлик муаммони тез ва ноодатий ҳал қилишдир.

Х.Гарднер тадқиқотларига кўра, креативлик бир неча турга бўлинади. Яъни, инсонда креативлик лингвистик, мантиқий математик, маконни ифода этишда, тана-кинестик, мусиқа, шахслараро, натуралистик турларда намоён бўлиши мумкин. Натижада креатив шахс, креатив маҳсулот, креатив муҳит вужудга келади .

МУҲОКАМА

Креативликнинг даражалари мавжуд бўлиб, улар юқори ва оддий креативликдир. Юқори даражадаги креативлик янги тамойил, йўналиш, ғояларни яратишда намоён бўлади. Масалан, буюк аллома А.Навоийнинг туркий тилини юксалтиришдаги хизматлари, Ибн Сино, Хоразмийнинг илмий ижоди, интернетнинг, турли компьютер дастурларининг кашф этилиши, А.Эйнштейн томонидан нисбийлик назариясининг яратилиши шахсининг юқори даражадаги креативлигининг ифодасидир. Оддий креативлик эса турли маҳсулотлар, ғояларни янада такомиллаштириш, фаолият алгоритмларини янада самарадор қилишда ва бошқа кундалик ҳаётнинг турли жабҳаларида намоён бўлади.

Креативликка фанлараро ёндашув ҳам мавжуд бўлиб, уларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин: Фалсафий, когнитив (интеллект, билим), креативлика таъсир этувчи эмоционаллик ва муҳит омиллари[6, 50-56]. Дж.Гилфорд дивергент тафаккурни креативликнинг асоси сифатида эътироф этади. Дивергент тафаккур муаммони ҳал қилиш давомида ночизиқли фикрлашнинг мавжудлиги бўлиб, инсон муаммонининг бир

қанча тўғри ечими борлигини кўра олади. С.Медник эса ижодий жараёнда конвергент ва дивергент ташкил этувчилар бирлиги муҳим эканлигини таъкидлайди. Конвергентлик муаммони ҳал қилишнинг ягона тўғри ечимини топа билишдир [7, 162.].

Замонавий тадқиқотларда креативлик муаммосини молекуляр даражада ўрганиш кучайиб бормоқда. М.Боден когнитив ёндашув доирасида креативликни компьютер моделлаштириш асосида ўрганмоқда. Олим ўз тадқиқотларида комбинацион, тадқиқотчилик, қайта яратувчилик каби креативлик турларини кўрсатиб ўтади [6, 50-56]. Шунингдек, креативлик “Креативлик социопсихологияси” каби фанлараро ёндашув соҳасида ҳам кенг тадқиқ этилмоқда. Креативлик социологиясида психология, психологии, педагогика, иқтисодиёт, менежментга асосланган ҳолда креативлик муаммосини эмпирик жиҳатдан ўрганилади. Кейинги 10-15 йилда эса креативликни нейрофизиологик ёндашув асосида ўрганиш ҳам фанлараро ёндашув сифатида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда [8-11].

Синергетик ёндашувда креативлик, мураккаб ўз ўзини ташкил этувчи жараён сифатида кўрилади. Яратилган демак, янгининг туғилишига кўмаклашиш; б) инсоннинг ўзидаги мавжуд тафаккур деб номланган синтетик қобилиятнинг фаолият билан фаоллаштиришдир. Ақлий фаолиятдаги синтез эса муаммоларга холистик қарашнинг мавжудлигидир” [12, 21]. Демак, инсон онги автопоэзис назариясига асосан ўз ўзини тинимсиз янгилаб, ўзгартириб, янгитдан барпо этувчи тизимдир. Е.Князева фикрига асосан креативликнинг намоён бўлиши ҳам мураккаб синергетик жараён бўлиб, унда хаос муҳим ўрин тутаяди. Чунки хаос – эволюциянинг асосий элементдир. Олим мураккаб тизимларнинг ташкил топишидаги бундай қонуният инсон креативлигига ҳам тегишли деб ҳисоблайди. Инсон ўзининг уйғун ҳолатидан чиқиб, хаос ҳолатига тушар экан, ижод учун эркинликни топади ва бунинг натижасида янгиликлар яратаяди. Кўриниб турибдики синергетик ёндашув креативликни мураккаб тизим сифатида ўрганади, унинг инсоннинг ўз ўзини ташкил этиб боровчи қобилияти сифатида эътироф этади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиш мумкинки бутунги кунда инсон капитали бу глобал жаҳон бозорида мамлакат рақобатбардошлигини таъминловчи инновацион креатив меҳнат ресурслари, ишлаб чиқаришга хос билимлар, интеллектуал капитал ва барча соҳалардаги янги технологик жараёнларни ўз ичига олади. Креативлик инсон капитали кўрсаткичининг жисмоний, интеллектуал каби асосий ташкил этувчиларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун креативлик замонавий инновацияларнинг асосий ҳаракатлангирувчи кучи сифатида инновацияларни (техник креативликни), бизнесни (иқтисодий креативликни) ва маданий (бадий креативликни) мужассам этган ўзаро боғлиқ тизимга айланиши лозим. Ақлий фаолиятдаги синтез, холистик қарашнинг мавжудлиги эса креатив қобилият ривожини таъминлашди. Шунинг учун ёшларимиздаги креатив қобилиятни ривожлантиришда таълимнинг барча босқичларида илмий-методологик дастурлар асосида тизимли фаолият олиб бориш; креативликни ривожлантиришни таъминловчи шарт шароитларни яратиш муҳим ижтимоий, гносеологик масаладир. Зеро, замонавий ахборотлашган, “креатив иқтисодиёт” томон ривожланиб боровчи жамиятда инсон ақли, онг структурасининг фаолиятига хос креатив жиҳатлар пировардида ривожланишнинг асосий манбаи ва ресурсига айланиб бормоқда. Бу ўз навбатида республикамизда ҳам

креативликнинг инсон капиталидаги ўрнига оид фанлараро ёндошув асосидаги тадқиқотларни янада кучайтиришни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиqlаш тўғрисида» ги Фармони. 2018 йил 21 сентябрь lex.uz. (Мурожаат вақти: 07.04.2021 й.).
2. Матраева А.Д. Креативность современного Российского студенчества: состояние и перспективы. Дисс. соиск. канд. социолог. наук. –Москва.: МГУ им. Ломоносова. 2019. – С. 3; 56.
3. Жалалова Г.О. Илмий билимлардаги трансформация жараёнларининг эпистемологик моҳияти. Дисс.фалс.фан.доктори (PnD). ЎЗМУ, Тошкент, 2018. - Б.39.
4. Флорида Р. Креативный класс: люди которые создают будущее. - М.: «Манн, Иванов и Фербер», 2016. – С.32-33.
5. Эпистемология креативности. Отв. ред. Е.Н.Князева. - М.: Канон+ РООИ. Реабилитация, 2013. 520 с.
6. Боровинская Д.Н. К вопросу о классификации теорий креативности. Вестник Томского государственного университета. 2014. № 385. С. 50–56
7. Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. Питер; СПб.; 2009. С. 162.
8. Carlsson, I. On the neurobiology of creativity. Differences in frontal activity between high and low creative subjects / I. Carlsson, P. Wendt, J. Risberg // Neuropsychology. – 2000. – V. 38. – № 6. – P. 873–885;
9. Мальцев, В.П. Современные представления о нейрофизиологических механизмах креативного мышления индивидов /В.П. Мальцев, Д.З. Шибкова // Актуальные вопросы естествознания начала 21 века: Сборник научных статей. – Казань: Изд-во «Печать-Сервис-XXI век», 2010. – С. 164–172;
10. Мелик-Пашаев, А.А. Об источнике способности человека к художественному творчеству / А.А. Мелик-Пашаев // Вопросы психологии. –1998.–№ 1. – С.76–82;
11. Нагорнова, Ж.В. Динамика мощности ЭЭГ при выполнении заданий на вербальную (образную) креативность / Ж.В. Нагорнова // Физиология человека. – 2007. – Т. 33, № 3. – С. 26.
12. Князева. Е. Творчество: эпистемологический анализ. Рос. акад. наук, Ин-т философии; Отв. ред. Е.Н. Князева. – М.: ИФ РАН, 2011. - С. 21.
13. Jalalova G.O. Knowledge Integration in the Scientific Heritage of Central Asian Scholars International Journal of Psychosocial. 22 Apr 2020 . Pp. 6436- 6440. (DOI: 10.37200/IJPR/V24I5/PR2020628)
14. Гулчехра Гаффарова, Соҳиба Полвонова ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ // Academic research in educational sciences. 2021. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/inson-kapitalini-rivozhlantirishda-milliy-adriyatlarining-a-amiyati> (дата обращения: 03.02.2022).
15. Гаффарова Г. (2020). Человеческий капитал в условиях цифровизации Узбекистана. Интеллектуальная культура Беларуси: духовно-нравственные традиции и тенденции



инновационного развития: материалы Пятой междунар. науч. конф. Т.2. – Минск: Четыре четверти, –С.72-75.

16. Gaffarova, G.G. (2020), Structural transformations as a faktor new development opportunities // Scientific Bulletin of Namangan State University. –Т.1. –№10, - С.185-190.

ВАҚФ ТУШУНЧАСИ ВА ТАРИХДАГИ ВАҚФ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Нафиса Валиева

Наманган давлат университети тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада вақф тушунчаси ва тарихдаги вақф ташкилотлари ҳақида таҳлил этилган. Шунингдек, вақф тушунчаси бўйича олимларнинг фикрлари таҳлил этилиб, таклиф ва хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: вақф, мулк, ташкилот, мадраса, хўжалик, ихтилоф, дала, фуқаро.

КОНЦЕПЦИЯ ФОНДА И СООБРАЖЕНИЯ В ИСТОРИИ ФОНДА ОРГАНИЗАЦИЙ

Нафиса Валиева

научный сотрудник Наманганского государственного университета

Аннотация: В статье анализируется понятие фондов и фондовых организаций в истории. Также были проанализированы взгляды ученых на понятие фонда, сделаны предложения и выводы.

Ключевые слова: фонд, имущество, организация, медресе, хозяйство, спор, поле, гражданин.

CONCEPT OF FOUNDATION AND CONSIDERATIONS IN HISTORY OF FOUNDATION ORGANIZATIONS

Nafisa Valieva

Researcher at Namangan State University

Abstract: The article analyzes the concept of foundations and foundation organizations in history. Also, the views of scholars on the concept of foundation were analyzed, and suggestions and conclusions were made.

Keywords: foundation, property, organization, madrasa, economy, dispute, field, citizen.

Юргимиз тарихида мамлакатда вақф мулклари хусусида турли хил қайдномаларни кўриш мумкин. Хусусан мактаб, мадраса, масжид мулклари асосан вақф хўжаликларидан тўпланган мулклар эвазига керакли соҳага йўналтирилган. Аслида вақф нима эди? «Вақф» бу «вақафа» (тўхтатди) феълнинг иш-ҳаракат номи (масдари) бўлиб, луғатда «тўхтатиш», «тутиб қолиш» маъносини англатади. Кўпинча эса мазкур сўз билан масдар эмас балки, вақф қилинган нарса тушунилади.

«Тўхтатиш», «тутиб қолиш» сўзига қандай алоқаси бор, десангиз айтиш жоизки, одатда вақф қилинган нарса хоҳ у манқул (қўчар мулк) бўлсин, хоҳ ғайри манқул (қўчмас мулк) бўлсин, одатий ашёлар каби одамлар бемалол соғиб олиб, сўнг яна соғиб



05.00.00

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES**

- 27 **Йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг олдини олиш тадбирлари**
Эшанбабаев А.А 162
- 28 **Ўқёйсимон панжалар ўтмасланиш даражасининг иш кўрсаткичларига таъсири**
Қувондиқов Ё.Т 166

09.00.00

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES**

- 29 **Темурийлар давлатчилигида динийлик ва дунёвийлик тамойилларининг тутган ўрни**
Ўрозов Ш.З 171
- 30 **Жадидлар ижодида таълим масалаларининг ижтимоий талқини**
Ашурова Х.С 176
- 31 **Ijtimoiy tarmoq: yoshlar va “Kelajak”**
Berkinov O.T., 181
- 32 **Inson erkinligining shakllanish tarixi**
Shadmonov A.A 187
- 33 **Inson erki, vatan buyukligi jadid adiblari talqinida.**
Jurakulov V.N. 191
- 34 **Имом Бухорий илмий меросига ноҳолис муносабатлар**
Азизқулов А.А 195
- 35 **Жамиятда маънавий тарбиянинг фамилиятив стратегик технологиялари**
Аҳмедова Ў.Н 203
- 36 **Инсон капиталини ривожлантириш даврида креативлик зарурияти**
Ғаффарова Г 207
- 37 **Вақф тушунчаси ва тарихдаги вақф ташкилотлари ҳақида мулоҳазалар**
Валиева Н 212
- 38 **Гендер тенгликни жамият барқарорлигига таъсири**
Жаббарова Ҳ.Қ 217
- 39 **Жамият тараққиётига инсон капиталининг таъсири**
Тошпулатов И.И 222
- 40 **Постинтернет - концепция современного анализа сетевого общества как экосистемного.**
Исаева Д.А. 226
- 41 **Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни**
Исомиддинов Ю.Ю 232
- 42 **Миграция турлари**
Бозоров М.Ж 238